

## Фойда солиғи тўловчиларни солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш

**Янгиева Наргиза Саидкуловна**

*Тошкент Давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти*

### ARTICLE INFO.

**Калит сўзлар:** солиқ имтиёзлари, рағбатлантириш, солиқ базаси, солиқ ҳисоботи.

### Аннотация

Мазкур мақолада фойда солиғи тўловчиларни солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш масалаларини илмий жиҳатдан талқин этиш, солиқ имтиёзлари бериш борасида ҳуқуқий асослари, фойда солиғи бўйича берилган солиқ имтиёзлари таҳлил қилинган

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2024 LWAB.

### Кириш (Introduction)

Солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси солиқ тизимининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий, хомашё, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мулкдан самарали фойдаланишга, яъни солиққа тортиш ҳажмини камайтиришга фаол таъсир кўрсатади. Солиқ юқини пасайтириш туфайли ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, молиявий ҳолатни мустаҳкамлаш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантириш мумкин. Солиқ имтиёзлари, бошқа воситалардан фарқли ўлароқ, солиқ тўловчиларни солиқ мажбуриятларини камайтириш ёки бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан қулайроқ бўлган бошқа солиққа тортиш шарт-шароитларини яратиб бериш орқали рағбатлантириш ёки қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Фойда солиғи бўйича солиқ тўловчиларга бериладиган солиқ имтиёзлари тегишли мезонларга жавоб бериши керак:

- айрим турдаги харажатларни солиққа тортиладиган фойдадан чиқариб ташлаш;
- айрим турдаги ташкилотлар учун ставкаларни пасайтириш;
- фаолиятнинг айрим турлари учун фойда солиғидан озод қилиш;
- айрим турдаги ташкилотларни фойда солиғидан озод қилиш;
- айрим турдаги ташкилотлар фаолиятининг дастлабки даврида маълум муддатга фойда солиғидан озод қилиш.

### Адабиётлар шарҳи (Literature review)

Н.В. Балабанова ва Т. Р. Валинуровларнинг фикрича, солиқ имтиёзлари- билвосита солиқларни тартибга солиш усулларида бири бўлиб, уларни олувчилар учун янада қулай бизнес

шароитларини яратишдир<sup>1</sup>.

Солиқ имтиёзлари ҳуқуқий имтиёзларнинг бир тури бўлиб, чунки улар тегишли жараён доирасида иқтисодий муносабатлар субъектларининг манфаатларини таъминлаш мақсадида солиққа тортилувчи томонидан солиқ ва йиғимларни тўлашни камайтириш ёки умуман тўламасликдир<sup>2</sup>.

Н.Р.Қўзиёва ўзининг илмий ишларида, Республикамизда фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилишни янада рағбатлантириш ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга солиқлар ва божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзларнинг самарали амал қилиш механизмини янада такомиллаштириш юзасидан қатор таклифлар берганган<sup>3</sup>.

Ф.Рахматуллаева солиқ имтиёзига категория сифатида қуйидагича таъриф берган: “имтиёзлар - бу иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш ва ижтимоий вазифаларни ҳал этиш мақсадида солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини қонун томонидан белгиланган шаклда бутунлай ёки қисман камайтиришнинг йўллари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мажмуидир”<sup>4</sup>.

З.Курбанов ва Ф.Акрамов солиқ имтиёзларининг моҳиятини очиш мақсадида уни назарий жиҳатдан уч гуруҳга бўлиб ўрганишган:

- солиқдан тўлиқ ёки қисман озод этиш;
- солиқдан чегирмалар;
- солиқ кредитлари (солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар)<sup>5</sup>.

Ж.Ж.Урмонов фикрича “солиқ имтиёзи – Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятини қисқартириш, солиқ ставкаси ва солиқ базасини камайтириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти”<sup>6</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилишимиз мумкинки, солиқ имтиёзлари солиқ тўловчиларни рағбатлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, инвесторларни қўллаб қувватлаш ҳамда уларга шарт-шароитлар яратиш мақсадида берилар экан.

### Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ҳуқуқий базаси такомиллашиб бормоқда. Ҳозирга қадар қабул қилинган барча солиққа оид қонун ҳужжатларига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг барчасига солиқ имтиёзларини белгилаш бўйича умумий ўхшашликлар кўришимиз мумкин. Яъни, барча қонун ҳужжатларида солиқ турлари бўйича имтиёзлар асосан қуйидаги шаклларда:

<sup>1</sup> Балабанова Н.В., Валинуров Т.Р. Льготы и преференции в системе налогового регулирования. «Современные наукоемкие технологии. Региональное приложение» №4 (44) 2015.

<sup>2</sup> Федосимов Б.А. Совершенствование правовой регламентации института налогового льготирования в Российской Федерации. Правоприменение. 2022. Т. 6, № 1. С. 88–99

<sup>3</sup> Қўзиёва Н.Р. Хорижий инвестицияларни жалб қилишда солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари. Ҳалқаро молия ва ҳисоб электрон журнали. №6, декабрь. 2017.

<sup>4</sup> Рахматуллаева Ф. “Солиқ имтиёзларининг моҳияти ва иқтисодий рағбатлантиришдаги роли” Молия илмий журнали №2/2016 108 бет

<sup>5</sup> Курбанов З., Акрамов Ф. “Солиқ имтиёзларининг молиявий ҳисобини такомиллаштириш масалалари” Бизнес-эксперт илмий журнали №9 2015.

<sup>6</sup> Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Иқтисодий фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. 2018

- солиқдан батамом озод этиш;
- солиқдан вақтинча ёки қисман озод этиш;
- солиқ базасини камайтириш тарзида берилган.

Мамлакатимизда 2023 йил 1 январдан бошлаб, солиқ тўловчиларнинг соҳалар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда фойда солиғининг табақалаштирилган ставкалари қуйидаги тартибда амалга оширилмоқда:

фойда солиғининг асосий ставкаси – 15 %,

алоҳида тоифалар учун – 20 %,

айрим соҳаларда – 0 %,

50 %га пасайтирилган ставка бўйича –7,5 %.

Мамлакатимизда солиқ турлари, шу жумладан фойда солиғи бўйича 2022-2023 йилларда йирик солиқ тўловчиларга берилган солиқ имтиёзларининг таҳлилини кўриб чиқамиз.

### 1-жадвал 2022 йилда йирик солиқ тўловчилар томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзлари (солиқ турлари кесимида), млрд сўм

Т/р	Солиқ тури	Солиқ имтиёзлари фойдаланилган		Улуши, %
		Ҳолатлар Сони	Суммаси	
<b>Жами</b>		<b>14939</b>	<b>46348,7</b>	<b>100</b>
1.	Кўшилган қиймат солиғи	9056	43373,4	93,6
2.	Акциз солиғи	7	1,8	0,004
3.	<b>Фойда солиғи</b>	<b>178</b>	<b>2,106,3</b>	<b>4,5</b>
4.	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	1553	346,8	0,7
5.	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1512	113,6	0,2
6.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	2446	206,6	0,4
7.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	16	4,3	0,01
8.	Ижтимоий солиқ	171	195,9	0,4

2022 йилда жами берилган солиқ имтиёзларининг миқдори 72963,7 млрд сўмни ташкил этган бўлса, йирик солиқ тўловчиларга берилган имтиёзларнинг миқдори 46348,7 млрд сўм бўлган ёки жами имтиёзларнинг 63,52 %ини ташкил этган. Бу нисбат алоҳида солиқ турлари бўйича ҳам шундай. Масалан, ҚҚС бўйича жами солиқ имтиёзлари 64107,9 млрд сўм бўлиб, унинг 43373,4 млрд сўми ёки 67,66 %и йирик солиқ тўловчиларга ҚҚСдан берилган солиқ имтиёзларини ташкил этмоқда. Йирик солиқ тўловчиларга берилган солиқ имтиёзларининг 93,6 %и ҚҚСга, 4,5 %и фойда солиғининг улушига тўғри келган. Фойда солиғи бўйича берилган солиқ имтиёзларининг миқдори 2106,3 млрд сўмни ташкил этган..

### Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Хулоса қилиб айтганда имтиёзлар орқали солиқ тўловчиларни рағбатлантириш бюджетга қўшимча солиқ тушумларини тушушини таъминлайди. Фойда солиғининг табақалаштирилган ставкасини қўллаш солиқ солишда бир қатор энгилликларни яратмоқда.

Мамлакатимизда солиқ қонунчилигида назарда тутилган солиқ имтиёзлари ва преференцияларини инвентаризация қилиш асосида самарадорликни ошириш учун уларни тизимлаштириш зарур деган хулосага келиш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар (Reference)**

1. Балабанова Н.В., Валинуров Т.Р. Льготы и преференции в системе налогового регулирования. «Современные наукоемкие технологии. Региональное приложение» №4 (44) 2015.
2. Федосимов Б.А. Совершенствование правовой регламентации института налогового льготирования в Российской Федерации. Правоприменение. 2022. Т. 6, № 1. С. 88–99
3. Кўзиева Н.Р. Хорижий инвестицияларни жалб қилишда солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари. Ҳалқаро молия ва ҳисоб электрон журнали. №6, декабрь. 2017.
4. Курбанов З., Акрамов Ф. “Солиқ имтиёзларининг молиявий ҳисобини такомиллаштириш масалалари” Бизнес-эксперт илмий журнали №9 2015.
5. Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. Иқтисодий фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. 2018